O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 31 октябрь, № 212 (4622) Жума



*30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Козлов тақдим этди. Қонун лойиҳаси суғурталовчиларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириши тартибини белгилаб беради. Моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклиф ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ш. Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳаси барча юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этиши шарт бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар – техник регламентлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш йўли билан инсон ҳаёти ва соғлиғининг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, савдодаги техник тўсиқларга барҳам беришга, истеъмолчиларнинг маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масаласида чалғишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш орқали соҳадаги жаҳон стандартларига тўла-тўкис мос келадиган техник тартибга солишнинг ягона давлат тизими вужудга келтирилишини таъкидлаб ўтдилар. Киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С. Жабборов тақдим этди. Қонун лойиҳаси ишни судга қадар юритиш ва жиноий жазоларни ўташ босқичида амнистия қўллаш тартибини процессуал регламентлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Т. Шайманов тақдим этган «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Билдирилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур Қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Раҳимов тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 10 ойи давомидаги фаолияти ҳақида»ги ҳисобот билан мазкур қўмита раиси А. Зиё сўзга чиқди. Қўмита томонидан фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида ислоҳотлар ўтказишнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш борасида муайян иш амалга оширилганлиги таъкидланди. Шу билан бирга қўмита ишида рўёбга чиқарилмаган имкониятлар аниқланди. Қўмитага қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мониторинг юритиш бўйича ишларни кучайтириш, аҳолига қабул қилинаётган қонунларнинг мақсад ва аҳамиятини, йўл қўйилаётган қонунбузарликларнинг оқибатларини тушунтириш ҳамда бундай қонунбузарликлар бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотларни жамоатчилик ва тегишли ташкилотлар эътиборига етказиш борасидаги ишларни фаоллаштириш топширилди. Бунда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ишларни янада кенгайтириш стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида ва мукаммал таъминлаш ҳозирги кунда парламент олдида турган асосий вазифа эканлиги таъкидланди. Ҳисобот муҳокамасининг якунига кўра депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

**(ЎзА).**

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

### буюк келажагимизнинг бунёдкорларидир

***Ёшлар йилида йигит-қизларнинг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам Ёшлар ижод саройида ўтказилган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг грантлар лойиҳалари ғолибларини тақдирлаш маросимига бағишланган тантанали концерт дастурида бунга яна бир бор амин бўлдик.***




**2008 йил — Ёшлар йили**

Тадбирда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёшларга аталган лойиҳалари иштирокчилари, шунингдек, "Таълим грантлари", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" ҳамда "Спорт грантлари" дастурлари ғолиблари қатнашдилар.

Мана тўрт йилдирки, "Таълим грантлари дастури" илмга чанқоқ, иқтидорли ёшларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим аҳамият касб этиб келаётир. Негаки, ёшларимиз жамғарма грантлари асосида ўқув масканларида имтиёзли тарзда таълим-тарбия олиш имконига эга бўлмоқдалар.

— Бу йилги грантлар танлови ҳар қачонгидан ҳам қизиқарли ўтди, — дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Баҳодир Шаропов. — Ўтган йили лойиҳада 700 нафар талаба иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1400 нафардан ошиб кетди. Танлов ҳайъат аъзолари энг муносиб номзодларни суҳбат жараёнига таклиф этиб, уларнинг билими, етакчилик қобилияти, танлаган касбини ривожлантиришга бўлган лаёқатини эътиборга олиб, 56 нафар йигит-қизга грант ажратди. Қувонарлиси, лойиҳада қатнашган ёшлар ноёб истеъдод ва қобилиятларини намоён этибгина қолмай, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳисса қўшиш имконига ҳам эгадирлар.

Дарҳақиқат, жамғарма томонидан ташкиллаштирилаётган "Келажак овози", "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, "Навқирон Ўзбекистон" каби қатор лойиҳалар ёшларни Ватанга садоқат руҳида

(Давоми 2-бетда).

## ШАНХАЙДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Шанхайда «Ўзбекистон ва Хитой савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш: сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатлари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир юртимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги ва мазкур шаҳар ишбилармонлари Ахборот клуби томонидан ташкил этилди.***

Давра суҳбатида энергетика, тўқимачилик ва енгил саноати, фармацевтика, қурилиш, озиқ-овқат ва кимё саноати, транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган Хитой фирма ва компаниялари, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хитой ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишиш имкониятига эга бўлди. Жорий йил биринчи ярмида ўсиш суръатлари 9,3 фоизни ташкил этган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тобора кўпайиб бораётгани ушбу эришилаётган ютуқларни яна бир карра тасдиқлади.

### ▼ Ҳамкорлик

Давра суҳбатида хитойлик ишбилармонларга Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритишнинг устувор йўналишлари, мамлакатимиз нефть ва газ, тоғ-кон саноати, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш борасидаги салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган ҳуқуқий пойдевор, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари ва ишбилармонлар имкониятларини кенгайтириш йўлида қабул қилинган қонун ҳужжатларига тадбир иштирокчилари эътибори қаратилди.

Мазкур ахборотларни зўр қизиқиш билан тинглар экан, меҳмонлар давра суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокамасида фаол иштирок этди.

Бўлиб ўтган баҳс-мунозара давомида Хитой ишбилармон доиралари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва республикада ўзаро манфаатли бизнесни амалга ошириш, жумладан, келгусида экспортга мўлжалланган саноат маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилди.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай.

### ▼ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

***Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил иккинчи бор ташкил этилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси савдолари қизғин давом этмоқда.***

## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

«Ўзэкспомарказ» мажмуи павильонларида мамлакатимизнинг 300 дан зиёд йирик корхона ва ташкилотлари маҳсулотларини намойиш этиб, ўз хизматларини таклиф қилмоқдалар. Форум доирасида корхона ва ташкилотлар маҳсулотларининг тақдимоти ўтказилмоқда. Натижада ҳар куни турли тармоқлар бўйича кўплаб шартнома ва ўзаро келишувларга эришилаётир.

Ярмарканинг тўртинчи куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўздонмаҳсулот» ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ёғмой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзгўштсутсаноат» ҳамда «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг тақдимоти бўлди. Унда ўнлаб корхоналарнинг маҳаллий хом ашё негизида тайёрланган импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлари намойиш этилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг чарм маҳсулотлари ва пойабзал буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришда «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси тизимидаги 30 дан зиёд

(Давоми 2-бетда).



## Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*"Кеш-тур-транс" масъулияти чекланган жамиятининг "Ўзавтосаноатлизинг" компанияси билан ҳамкорлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*



### «ISUZU» элга манзур

■ Бундан икки ой олдин жамият лизинг йўли билан олган "Isuzu" русумли 6 та автобус Шаҳрисабз ва Китоб туманларини боғловчи энг гавжум йўлда иш бошлаган эди. Самарқандда ишлаб чиқарилган янги автобуслар йўловчиларга манзур бўлди. Шунинг учун МЧЖ жамоаси лизингга яна олтита автобус олиб, йўналишдаги автобус қатнови оралиғини 7-8 дақиқага қисқартирди.

Қашқадарё вилояти йўлларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Isuzu" русумли автобуслар тобора кўпайиб бораяпти.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Яна бир коллеж

■ Олтиариқ туманининг Жўрак қишлоғида 800 ўқувчи ўрнига эга бўлган педагогика коллежи қад ростлади. Бу ерда мактабларнинг бошланғич синфлари учун педагог ходимлар тайёрланади.

Янги ўқув маскани туманда сўнгги йилларда барпо этилган бешинчи коллеждир. Уни Раҳматжон Эркабоев раҳбарлигидаги бунёдкорлар жамоаси қуриб, фойдаланишга топширди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Касаначилар ҳиммати

■ Жарқўрғондаги қурилиш конструкциялари комбинати масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги касаначилар шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида салкам 8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

— Касаначиларимиз ҳозирда рубероид (қурилиш қоғози) тайёрлашяпти, — дейди жамият раиси Худойқул Кўчкинов. — Энди дурадгор, темирчи, токарлар учун касаначилик тартибида 10 та иш ўрни очиб беришни мўлжаллаяпмиз. Қўлидан иш келадиган қишлоқ ёшларини ишсиз қолдирмаймиз.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Когон дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятида "Ғаллабанк"дан олинган 443 минг 700 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига модернизация ишлари амалга оширилди.***

### Шароит янгиланди, сифат ошди

■ Корхонада салкам эллик йилдан буён фойдаланиб келинаётган ускуналар ўрнига Туркиянинг "Ганч дегирмон" компаниясида тайёрланган замонавий технологик жиҳозлар ўрнатилди. Натижада биринчи навли уннинг салмоғи ва сифати ошди. Бир тонна ун ишлаб чиқиш учун сарфланадиган электр энергияси миқдори эса аввалгига қараганда 20 киловатт-соатгача камайди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навоий шаҳридаги Меъмор маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашига қарашли «Камолот тараққиёти» фирмаси томонидан нон тайёрлаш корхонаси фойдаланишга топширилди.***

### Маҳаллада — новвойхона

■ — Шу ернинг ўзида «Оби нон» савдо дўкони ҳам ишга туширилди, — дейди фирма раҳбари Анвар Эргашев. — Биз асосан йод моддаси билан бойитилган ҳар хил ширинликлар, нон маҳсулотлари тайёрлаймиз. Корхонамизда ўн нафар йигит-қиз ишламоқда. Маҳсулотларимиз сифати ва арзонлиги билан аҳолига маъқул келмоқда. Келгуси йилдан қўшни маҳаллаларда ҳам шундай новвойхоналар очиб, янги иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз.

**Ё. УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## Янги корхоналар, янги маҳсулотлар

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2008** йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда **284** та ишлаб чиқариш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди.



"Шўртан" конида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги "Алёртекс" фабрикаси, Жиззах вилоятидаги "Замонавий полимер қувур" қўшма корхонаси, Тошкент вилоятидаги "Ост-Милч" сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидан бўлиб, уларда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланди.



▼ **Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш ҳақидаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қарори эълон қилинганига роппа-роса бир ой бўлди. Сайлов кампаниясининг тайёргарлик босқичи тугалланди ва эртадан асосий тадбирлар даври бошланади.***

## Фуқаролар йиғинларига сайловлар:

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

— Мамлакат сайловларга тўла тайёргарлик ҳолатида келди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари Мавжуда РАЖАБОВА. — Сайловга тайёргарлик бўйича барча ишлар Сенат Кенгашининг юқорида келтирилган Қарори билан тасдиқланган Тадбирлар дастурига мувофиқ олиб борилди. Бугун биз шуни айта оламизки, сайлов кампаниясининг биринчи ойи учун мўлжалланган барча тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи 213 та комиссия фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд тўққиз мингдан ортиқ шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролик йиғинларининг барчасида сайлов жараёнининг боришини муайян принцип ва талаблар асосида босқичма-босқич амалга оширадиган ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Навбатдаги сайлов “Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандан кейинги иккинчисидир. Демак, айтиш мумкинки, сайловни муваффақиятли ўтказиш учун ҳуқуқий асос, шунингдек, тажриба ва билимлар етарли.

**— Мавжуда Абдуллаевна, бугунги кунда сайловлар масаласига бу қадар жиддий қаралаётганлиги мазкур тадбирнинг келажагимиз учун нақадар улкан аҳамиятли эканлигидан далолат беради.**

— Ҳа, шундай. Маҳаллага сайловлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада либераллаштиришда, мамлакатдаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, фуқароларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим босқич ҳисобланади. Аслини айтганда, бундай сайлов тизими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби фақат бизнинг мамлакатдагина мавжуддир.

Фуқаролар йиғинларида шу кунларда фаолият олиб бораётган оқсоқоллар ва маслаҳатчилар 2006 йилнинг май-июнь ойларида сайланган эдилар. Ўтган давр мобайнида уларнинг ташаббуси ва бошчилигида жойларда кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Оқсоқоллар кундалик ҳаётимизга хос бўлган турли кўринишдаги масалаларни ҳал этишда пешқадам кучга айланди. Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами муносабати билан эълон қилган Фармони асосида юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган хилма-хил касб намояндалари орасида фуқаролар йиғинларининг энг яхши раислари номлари мавжудлиги ҳам шундан далолат беради. Мана шунинг ўзи ҳам оқсоқол деб аталмиш халқимиз вакилларининг ижтимоий ҳаётдаги юксак мавқеи ва обрў-эътиборидан бир нишона эмасми? Бу ўзининг билими, тажрибаси, куч ва ғайрати, салоҳияти ва имкониятларини, керак бўлса, бутун борлиғини жамият хизматига бағишлаган минглаб ватандошларимиз хизматининг юксак эътирофи эмасми? Заҳматкаш оқсоқолларимизнинг меҳнатини ҳеч қачон осон деб бўлмайди. Бу меҳнат ниҳоятда кўп қиррали, ишчанлик ва шахсий фазилатларни талаб этадиган, энг аввало, ён-атрофдаги кишиларни тушунишга ва кўмаклашишга, ҳаётда ҳақиқий фидойилик намуналарини кўрсатишга тайёр одамларнинг меҳнатидир. Мана шулар назарда тутиладиган бўлса, бўлажак сайловларда фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари лавозимига энг муносиб номзодларни танлаш ўта муҳим масала.

**— Сайловларга тайёргарлик ҳолатини қандай мезонлар билан баҳолаш мумкин?**

— Октябрь ойидаги асосий ишлар сайлов қонунчилиги ва уни ўтказиш тартиб-қоидаларини тушунтиришга йўналтирилган эди. Шуни айтиш жоизки, бугун унинг самарасини кўриб турибмиз.

Аввало, масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан қарор талабларининг сифатли бажарилишини таъминлайдиган масъул шахслар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбир иштирокчилари сайловни ташкил этиш ва ўтказишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни атрофлича муҳокама қилдилар ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари ҳар бир вилоятга, вилоят комиссияси аъзолари эса туман ва шаҳар комиссияларига бириктирилган.

15-25 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида семинарлар бўлиб ўтди. Баъзи вилоятларда, жумладан, Тошкент ва Самарқанд сингари мингга яқин фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлган вилоятларда семинарлар гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Бундай учрашувларда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллаларнинг кўплаб фаоллари, умуман, оддий қизиқиш билдирган кишилар иштирок этди. Ушбу тадбирлар жуда жонли ўтди, аҳолининг кундалик юмушларига дахлдор масалалар кўтарилди. Мен айнан мана шундай фаолликни сайловларга тайёрлик белгиси сифатида баҳолаган бўлардим. Фуқароларнинг олдинги сайловлардан бери ўтган вақт давомида тафаккури юксалгани яққол кўриниб турарди. Барча одамлар маҳалла аҳлини эзгу ишларга сафарбар этишга қодир ҳамда маҳаллий муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишга мойил бўлган муносиб кишиларни оқсоқол сифатида кўришни истайдилар.

Юқорида тилга олинган тадбирлар доирасида комиссиялар ва ишчи гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари матнларини ўз ичига олган рисолалар тарқатилди. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари кўмагида жамоатчилик ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилди ва олиб борилмоқда.

**— Демак, жойларда сайловларни ўтказиш жадвали тузилган ва фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилган?**

— Шуни унутмаслик лозимки, оқсоқоллар сайлови узоқ давом этадиган жараён, у икки ойга мўлжалланган. Айни пайтда сайлов йиғилишлари ноябрь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида ўтказилиши аниқланди. Сайловни ўтказиш муддати, жойи, вақти аниқланган ва тегишли маҳаллалар аҳолиси бундан бохабар қилинган. Қонунга мувофиқ, сайлов муддатини жойларнинг шароитларидан келиб чиқиб ишчи гуруҳлари белгилайди. Шунинг учун сайлов кампанияси давомида бундай жараён давом этади. Йиғилиш иштирокчилари, яъни кўча, мавзе вакиллари сайловни ўтказишга беш кун қолгунча огоҳлантирилади.

Номзодни кўрсатишга келадиган бўлсак, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади”. Кўпгина жойларда номзодлар аллақачон кўрсатиб бўлинди. Шуниси эътиборга моликки, улар муқобиллик асосида шакллантирилди. Бу жараён давом этади.

Қонунчилигимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари сифатида демократия, ошкоралик, инсонпарварлик тилга олинган. Бугун биз айнан мана шу тамойилларга риоя этиб, фаолият юритаётган маҳаллалар одамларнинг ишончини қозонаётганлигини кўриб, инониб турибмиз.

Буларнинг барчаси бўлажак ижтимоий-сиёсий тадбирнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шу боисдан, ушбу босқичда ҳамма куч ва воситалар уни демократия, холислик, очиқ-ошкоралик тамойиллари, қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда, шунингдек, ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга йўналтирилиши лозим. Маҳалла — бу кичик ватан Маҳаллалар тақдири, демак, бутун мамлакат тақдири унга қандай оқсоқолларни сайлашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

***Машкура ЗОҲИДОВА суҳбатлашди.***

***Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин инсон ҳуқуқи ва эркинликлари масаласига, уларнинг амалга ошишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ижтимоий ислоҳотларнинг негизида бош ғоя сифатида юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги мақсад қилиб олинган. Маълумки, инсоннинг яшаш ҳуқуқи олий қадрият бўлиб, у бундай ажралмас ҳуқуққа ёши, жисмоний ва руҳий ҳолати ёки бошқача белгиларидан қатъи назар, доимо эга бўлади.***




# ЯШАШ ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалий жиҳатдан юқори даражада ҳимоя қилиш ва таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай ҳуқуқлардан энг муҳими Конституциянинг 24-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, “яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”. Асосий Қонунимиз мазкур табиий ҳуқуқ мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида ўзининг амалий ифодасини тўлақонли топмоқда.

▼ **Менинг Конституциям**

Инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига таяниб барпо этилган миллий ҳуқуқий тизим ва инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Мамлакатимизда умуминсоний принципларга асосланган демократия, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституция даражасида мустаҳкамланди. Шу маънода мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам истиқлол йилларида халқимиз эришган энг катта ютуқлардан бири бўлди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши кўплаб хорижий давлатлар олим ва мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди. Ушбу Иттифоқ ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб ҳисоблади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

Ўз навбатида, яна бир ташкилот — Халқаро Амнистия ҳам Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилинганлигини олқишлаб, бунинг ушбу шафқатсиз ва ғайриинсоний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлигини қайд этди. Мазкур ташкилот берган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда 135 та давлатда ўлим жазоси қонунчиликда ёки амалиётда бекор қилинган. 62 та давлатда ушбу жазо ҳамон амал қилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли қисқа вақт ичида фуқаролик жамиятининг асосларини қуришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайдиган механизмларни яратишга муваффақ бўлинди. Одил судлов соҳасида қўлга киритилган ушбу ўзгаришлар ўлим жазосини бекор қилиш учун ҳам зарур шарт-шароитларни яратди. Зеро, ўлим жазоси фақатгина мустақил ва кучли давлатчиликка, барқарор ҳокимиятга, ривожланган ҳуқуқий маданиятга ва мустаҳкам ҳуқуқий тизимга эга бўлган мамлакатдагина бекор қилиниши мумкин. Олий жазонинг бекор қилиниши давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати жаҳонда бу борадаги анъаналарга содиқлигидан далолат беради, ҳаётимизда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

***Д. ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

корхонанинг муносиб улуши бор. Буни жорий йилда улар томонидан 11 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилганлиги ҳам яққол кўрсатиб турибди. Қувонарли жиҳати, шу йил охиригача 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тайёр буюмлар Греция, Туркия, Хитой, Ҳиндистон сингари дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинади. Бу юртимизда ишлаб

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида тобора рақобатбардош бўлиб бораётганидан далолатдир.

Ушбу уюшманинг ишлаб чиқариш ва савдо бошқармаси бошлиғи Адҳамбек Ўлмасовнинг айтишича, келгуси йили “Ўзбекчармпойабзали” тизимида ишлаб чиқариш суръати ҳам, экспорт ҳажми ҳам бу йилгидан анча юқори бўлади. Чунки Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан чарм буюм ва пойабзал ишлаб чиқаришда зарур иккиламчи хом ашёлар эндиликда маҳаллий корхоналарда тайёрланаяпти. Энг муҳими, асосий хом ашё – чарм юртимизда ниҳоятда сероб.

— Ярмарка савдоларида бугунга қадар 4,5 миллиард сўмлик хом ашё хариди бўйича шартномалар имзоладик, — дейди А. Ўлмасов. — Ўз навбатида, 1 миллиард сўмлик маҳсулот сотиш бўйича келишувларга эришдик. Бу рақамлар ҳали янада ортиши аниқ. Эътибор қилган бўлсангиз, бу йил ярмарка иштирокчилари сони ўтган йилдагига нисбатан анча кўп. Улар орасидан ўзимизга янги ҳамкорлар топдик.

Мамлакатимиз саноатчиларининг қизғин бозорига айланган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси тармоқлараро алоқаларнинг йил сайин кенгайишига, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётганлиги билан юртимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

***Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

## буюк келажагимизнинг бунёдкорларидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

тарбиялаш, ўз танлаган соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишишларида қанот вазифасини ўтаётганидан далолат беради.

— “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази фаолиман, — дейди “Таълим грантлари дастури” ғолибларидан бири, Термиз давлат университети талабаси Ғайрат Шарипов. — Бу ерда барча тенгдошларим янги-янги ташаббуслар билан чиқишади. Яқинда шаҳримизда “Ахборот консультатив маркази” фаолиятини йўлга қўйдик. Марказимизда ёшлар китоб ўқиши, компьютер сабоғи ва кўплаб хорижий тилларни ўрганиши мумкин.

“Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури”да анъанага кўра, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг 3-4 курсида таҳсил олаётган талабалар қатнашишди

Тантанали маросимда таъкидланганидек, бу йилги танловга республикамиз олий ўқув юртлари талабаларидан мингдан зиёд ариза қабул қилинди. Танловда талабаларнинг ғоялари, уларга билдирилган тавсияномалар, фанларни ўзлаштириш даражаси ҳамда ижтимоий аҳволи асосий мезон қилиб олинди. Ҳайъат аъзолари йигит-қизларнинг ўқишдаги ютуқлари, жамоат ишларидаги фаол иштироки, ижодий салоҳияти, етакчилик қобилиятини алоҳида ҳисобга олдилар. Танлов якунига кўра, 100 нафар энг иқтидорли талаба стипендияга муносиб, деб топилди.

Танлов ғолибларидан бири — Гулистон давлат университети талабаси Дилбар Раҳимова келажакда малакали педагог бўлмоқчи.

— Ушбу мукофотни биз, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор, ғамхўрликнинг бир кўриниши, деб биламан. Шу боис стипендиямга кўплаб илмий адабиётлар сотиб олишни режалаштирдим.



“Спорт грантлари дастури”га 2007 йилда асос солинган. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан тузилган мазкур махсус маблағ фонди ҳар чоракда умидли ёш спортчиларга топширилади. Улар орасида республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган ёшлар кўп. Ёшлар ижод саройида ўтказилган тақдирлаш маросимида 13 нафар ёш спортчига умумий маблағ миқдори 3 млн.900 минг сўмга тенг грантлар топширилди.

Тадбир давомида “Келажак овози” ЁТМнинг вилоятлардаги бўлимлари билан телекўприк ўрнатилиб, республика бўйлаб амалга оширилган лойиҳалар сарҳисоб қилинди. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури кечага янада файз бағишлади.

***Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.***

***Халқимиз азал-азалдан нафсга берилиб, эл-юрт мулкига хиёнат қилганларга нафрат билан қараган, уларни тўй-маъракасига чақирмаган. Зеро, нопок йўл орқали орттирилган бойлик ҳеч бир замонда, ҳеч кимга насиб этмаган. Ушбу ҳаётий ҳақиқатни унутиб қўйиб, нафс кўчасига кирганлар борки, алал-оқибат уларнинг қилмиши ошкор бўлиб, мисқоллаб йиққан обрў-эътиборлари кўкка совурилади...***

# ЭЛ МУЛКИГА ХИЁНАТ

## ёхуд солиқдан яширилган миллионлар хусусида

“Қора курси”дан жой олган тўққиз нафар судланувчи оддий одамлар эмас, вилоятда юқори мансабга эга, яхши обрў-эътиборга лойиқ кишилар эди. Жумладан, улардан бири шаҳар давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) бошлиғи бўлса, яна бири “Андижонёғмой” очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) бошқаруви раиси, бошқалари эса мазкур идораларда масъул лавозимда ишлашарди. Четдан қараганда, ҳамма ишлар жойида эди, бироқ нафс домига илинган бу кимсалар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, кўплаб мулкни ўзлаштириш билан талон-торож қилиш, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритиш, давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлашгани учун жавобгарликка тортилганлар.

Олиб борилган текширув ишлари давомида шаҳар ДСИ, “Андижонёғмой”, “Андижонэлектродвигатель” каби ОАЖ, шаҳардаги “Қурилиш муҳандиси”, “Андижон савдо тури”, “Буюк рўзадорбий”, “Кардо”, “Садо-7” каби хусусий корхона ва савдо фирмаларининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари оқибатида 1 миллиард сўмдан ортиқ давлат мулки талон-торож қилиниб, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштириб юборилгани аниқланди.

Жиноят ишида тўпланган далилларнинг бирига кўра, 2005 йилда “Андижонэлектродвигатель” ОАЖ раҳбари Ҳ. Бойбобоев “Андижонёғмой” ОАЖнинг акциз солиғидан 600 миллион сўмлик қарзини шаҳар ДСИга тўламоқчилигини айтади. Ва шу мақсадда “Андижондвигатель”, “Андижонёғмой” ва ДСИ ўртасида уч томонлама шартнома имзоланади. Шартномага кўра, “Андижонёғмой” ОАЖ “Андижондвигатель” ОАЖга 600 миллион сўмлик маҳсулот, яъни 700 тонна пахта ёғи етказиб бериши, ушбу маҳсулотлар турғун савдо дўконларида нақд пулга сотилиб, тушган пуллар банк орқали ДСИга топширилиши керак эди. Ўша йилнинг март-апрель ойлари давомида “Андижонэлектродвигатель” “Андижонёғмой”дан 319 миллион сўмлик пахта ёғи олиб, савдо дўконларига тарқатади. Аммо ўртага нафс, ҳирс оралайди. Пахта ёғини сотишдан тушган пулларнинг фақатгина 130 миллион сўми ДСИга ўтказилади, қолган 189 миллион сўми эса уч томонлама шартнома имзолаганларнинг ўзаро келишувига кўра ўзлаштириб юборилади. Темирни қизиғида босишни хуш кўрадиган Андижон шаҳар ДСИ бошлиғи Л. Мамадалиев мансаб ваколатидан фойдаланиб, “Андижонёғмой”нинг солиқларни тўлаганлиги тўғрисида сохта маълумотнома ҳозирлаб, жиноят изларини беркитади.

2006 йилнинг февраль ойида “Андижонэлектродвигатель” ОАЖ раҳбари Ҳ. Бойбобоев “Андижонёғмой” ОАЖ билан яна шартнома имзолайди. Унга кўра, “Андижонэлектродвигатель” корхонаси “Андижонёғмой”нинг 470 миллион сўмлик боқиманда қарзини тўлашни ўз зиммасига олади. Юқоридаги шартномага асосан, “Андижонэлектродвигатель” “Андижонёғмой”дан 45 миллион сўмлик хўжалик совунлари олиб, уни савдо дўконлари орқали нақд пулга сотади. Тушган пуллар эса “Андижонёғмой”нинг қарзи учун тўланиши керак эди. Аммо “Андижонэлектродвигатель” раҳбари Ҳ. Бойбобоев шартнома шартини “унутиб”, савдодан келган маблағни корхонанинг қарзи эвазига шаҳардаги “Шоҳтекс” ОАЖга ўтказиб юборади.

Жиноят иши ҳужжатлари билан танишар эканмиз, қизиқ бир ҳолатга дуч келдик. Гап шундаки, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган кўпгина хусусий корхона ва савдо фирмалари “Андижонёғмой” ОАЖ атрофида гир айланиб, унинг солиқ ва бошқа тўловларини тўлаш мажбуриятларини ўз зиммаларига олганлар. Хўш, бу “ҳотамтой” фирмалар “Андижонёғмой” атрофида парвона бўлишдан қандай манфаатдор эдилар? Ўтказилган текширув хулосаларида бу масала ҳам ойдинлашди. Хусусан, “Қурилиш муҳандиси” кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси раҳбари Т. Ибодов “Андижонёғмой” ОАЖнинг акциз солиғидан 300 миллион сўмлик қарзини Андижон шаҳар ДСИга тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шундан келиб чиқиб, “Андижонёғмой” ва шаҳар ДСИ билан уч томонлама шартнома имзоланади. Мажбуриятга биноан, “Андижонёғмой” “Қурилиш муҳандиси” савдо корхонасига 150 миллион сўмлик пахта ёғи ва 150 миллион сўмлик хўжалик совуни етказиб беради. Юқоридаги ҳолат сингари ана шу маҳсулотлар савдо дўконлари орқали сотилади. Тушган пуллар шаҳар ДСИ бошлиғи Л. Мамадалиев, “Қурилиш муҳандиси” фирмаси бошлиғи Т. Ибодов ва “Андижонёғмой” ОАЖ раҳбари Б. Маматқуловлар ўртасида бўлиб олинади. ДСИ бошлиғи эса яна ваколатидан четга чиқиб, ҳужжатларни силлиқлаштиради – “Андижонёғмой”нинг 300 миллион сўмлик солиғи тўланганлиги тўғрисидаги сохта маълумотномага имзо чекади.

▼ **Таассуф**

“Ишонч транс сервис” корхонаси раҳбари М. Салимов ҳам Л. Мамадалиев билан жиноятkорона тил боғлаганлардан бири бўлиб чиқди. Мазкур корхона ҳам “Андижонёғмой”нинг қўшилган қиймат солиғидан 160 миллион сўмлик қарзини ДСИга тўлаш мажбуриятини олади. Яна аввалги найранглар қўлланилади. Шартнома тузилади, “Андижонёғмой” маҳсулот етказиб беради, “Ишонч транс сервис” эса маҳсулотни сотади. Савдодан келган пуллар яна ўртада бўлиб олинади. Давлат ғазнасига эса 160 миллион сўм ўрнига бир энликкина сохта маълумотнома келиб тушади. Худди шундай кўзбўямачилик билан “Савдо линияси”, “Андижон савдо тури” хусусий фирмалари, “Буюк рўзадорбий” МЧЖ шаҳар ДСИ ва “Андижонёғмой” масъул раҳбарлари билан ўзаро келишиб, корхонанинг 327 миллион сўмлик мулкини талон-торож қилиб юборишади. Шунингдек, юқорида номлари зикр этилган фирмалар “Андижонгўштсавдо” ОАЖнинг 100 миллион сўмга яқин мулкини ҳам ўзлаштириб юборадилар.

Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган бу олғирлар давлатнинг ҳар бир сўми ҳисобли эканини, қинғир ишларининг қийиғи барибир очилишини, бунинг учун бир кун келиб қонун олдида жавоб беришлари кераклиги ҳақида мутлақо ўйлашмасди. Негаки, ҳамма ишнинг бошида турган Л. Мамадалиев барча жиноятларини гўё “қонуний” қилиб қўйган, шу боис ҳам у шериклари қатори сирлари ҳеч қачон фош бўлмаслигига қаттиқ ишонган эди. Қинғир иш — келтирар ташвиш, деган мақол мулоҳаза қилиб кўрилганда, балки бу мансабдорлар бу ишга қўл уришмаган бўлармиди? Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида айбдор фирма ва хусусий корхоналар томонидан етказилган зарар ундириб олинди.

Судланувчилар – Андижон шаҳар ДСИ бошлиғи Л. Мамадалиев ва “Солиқ тушумларини таҳлил-тахмин ва солиқ статистика” бўлими инспектори М. Алибекова, “Андижонёғмой” ОАЖ бошқаруви раиси Б. Маматқулов ва бош ҳисобчи У. Қосимов, бош муҳандис Ш. Маъруфов, хусусий корхона ҳамда савдо фирмалари раҳбарлари Ж. Турсунов ва Т. Ибодовларнинг содир этган жиноятлари фуқаровий даъвогарлар, гувоҳлар кўрсатмалари ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди. Л. Мамадалиев Жиноят кодексининг 167, 184, 188, 208, 209-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга нисбатан 16 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам 7 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этилди. Суд Л. Мамадалиев ва М. Алибековалардан жами 254 миллион сўм зарарни солидар тартибда ундиришни, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига биноан, тайинланган жазоларни қисқартиришни лозим топди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг навбатдаги суд мажлисида “Андижонэлектродвигатель” ОАЖ раҳбари Ҳ. Бойбобоев ва мазкур жамиятнинг масъул ходимлари – бош ҳисобчи Х. Собирова, бош муҳандис Қ. Арзиқулов, ҳисобчи А. Аҳмедовларнинг иши кўриб чиқилди. Ҳ. Бойбобоев 15 йилга, Қ. Арзиқулов ва А. Аҳмедовлар 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Х. Собировага тайинланган 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси шартлига алмаштирилди. Шунингдек, судланувчиларга энг кам иш ҳақининг 340 бараваридан 500 бараваригача бўлган миқдорда жарима жазоси ҳам тайинланди.

Солиқ тўловидан тушаётган пулларнинг кексалик пенсияси, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун ажратилган нафақаларга сарф этилишини Л. Мамадалиев жуда яхши биларди. Бир тўда нафси ўпқонлар талон-торож этиб юборган миллионлар неча кекса отахону онахонларнинг, ижтимоий нафақага муҳтож оилаларнинг рўзғорини обод этмасмиди? Ўғрилик, қинғир йўллар билан топилган бойлик ҳеч вақт юқмаган, юқмайди ҳам.

Шукурки, яратиб берилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорлик, кичик бизнес билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз талайгина. Солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб, ҳалол яшаётган, қолаверса, даромадидан хайр-саховат учун сарф этаётган, боғ барпо қилаётган, мактаб қураётган саховатпеша тадбиркорларни кўриб, ҳавас қиласан киши.

***Ш. ЖУМАЕВ.***

*Инсон вужудидаги саломатлик етмиш икки томирдаги қон айланишининг мўътадиллиги билан баҳоланса, унинг жамиятдаги обрў-эътибори, одамийлик қиёфаси, маънавий мулки яна икки мезонда чамаланади — Иймон ва Виждон. Зеро, иймони пок одам эзгуликка мойил бўлади. У ҳар доим ён-атрофдаги кишиларга, демакки, юртига, ватанига хизмат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.*



# ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Виждон уйғоқлиги эса кишини сергакликка, ўзи туғилиб ўсган юртига оид ҳар қандай жараёнга дахлдорлик ҳиссини тарбиялайди. Бу хислатлар ватанпарварликдан далолатдир. Шу маънода, Ватанни севмоқ иймондандир, деган жумланинг аҳамияти беқиёс.

*"Чет элга бориб уч йил ишладим. Кўп пул топдим, машина олдим. Қишлоққа пул жўнатиб турганим учун, хотиним акаукаларимни ишга солиб, уй-жой қурдирибди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Хорижда бешта ўртоғим билан бир жойда ишлардик. Ейиш-ичиш, дам олишдан кўнглимиз тўқ эди. Фақат бизга ота-она, фарзандларимиз дийдори етишмас эди. Рости, биз ўзаро уйдагиларга камроқ телефон қилишга келишиб олгандик. Аммо ҳар қанча иш билан ўзимизни чалғитишга уринсак-да, барибир соғинч туйғуси тинчлик бермасди. Дўстларимдан яшириб уйга телефон қиладиган бўлдим. Бир куни қизиқ бўлди. Телефон қилиш учун овқат тайёрлаш баҳона энди ошхонага ўтаётган эдим, Собир исмли дўстимизнинг телефонда гаплашаётганини кўриб қолдим. У гапираяптию, овозида қандайдир мунг бор. Бир гапиради, бир хўрсинади. Мени кўриб, худди айб иш қилгандек нигоҳини ерга қадади. Кейин маълум бўлдики, бошқа шерикларимиз ҳам яширинча ҳар куни уйига телефон қилишар экан... Шу воқеа сабаб бўлиб, ҳамма ишни йиғиштириб, қишлоққа жўнадик. Етиб борганимизда тонг отаётган эди. Юрагимиз тўлқинланиб, ерни қучоқлаб, қишлоғимиз кўчаларидаги тупроқни ўпавердик, ўпавердик... Ҳозир қишлоқда эски ишим — сувоқчилигимни давом эттираяпман. Буюртма кўп, қишлоқдошларимга нафим тегаётганидан хурсандман. Энг асосийси, яқинларим ёнидаман. Четда ишлаб, англадимки, бизнинг юртимиздек юрт ер*

**▼ Туйғу**

*юзида йўқ шу экан. Ҳар қанча бойлик бўлгани билан бегоналар орасида яшаш ва ишлашдан оғири йўқ экан..."*

Бу ҳикоя Расул Юнусов деган йигитга тегишли. У юртимизнинг тоғли қишлоқларидан бирида яшайди. Сувоқчилиги билан донг қозонган бу йигитнинг қўли гул, дили покиза. Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқларини севиб тинглайди. Расул хорижга кетганида ҳам шу ҳофизнинг хонишлари ёзилган CD дискини олиб кетган экан. Иш пайтида доим қўшиқ тинглар, айниқса, ҳофизнинг бир ашуласидаги "Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси ўз юртингнинг янтоғича кўринмас", деган сўзларини бор овозда қўшилиб айтар экан.

Гап шундаки, оддий қишлоқ фарзанди Расулнинг бу хатти-ҳаракатлари замирида Ватанга бўлган муҳаббат мужассам. Шунинг учун ҳам у ёт элларда юриб пул топишдан кўра, қишлоқдошларига наф кўрсатишни афзал билди ва ёнидагиларга ҳам буни уқтирди...

Аҳмад Набиев — асаб касалликлари бўйича шифокор. Бу маълумот унинг дипломига тегишли. Аслида эса бошқа хасталиклар бўйича ҳам зўр мутахассис. Аҳмад ака тақдир тақозоси билан Москвада ўқиб, ўша ерда узоқ йиллар ишлади. Москвада ишлаб юрган кезлари қишлоққа йилда бир марта келар, бир ойлик таътилини донғи кетган санаторийларда эмас, қишлоғида ўтказишни яхши кўрарди. Аммо қишлоқда дам олиб бўларканми, ҳар куни ўнлаб беморлар унинг олдига илтимос билан келишади. Шифокор эса бундан асло ранжимас, аксинча, ўз қишлоқдошларининг дардига даво бўлаётганидан мамнунлигини таъкидлашдан чарчамасди. Ана шу одам яқинда бутунлай қишлоққа қайтиб келди. Унинг келганини эшитиб, маҳалладошларининг боши осмонга етди. Ўз қишлоғингда яхши шифокор борлигига нима етсин?! Бир зумда шифокорнинг хонадони тўйхонага айланиб кетди.

— Тупроқ тортади, деган гап бежиз эмас экан, — дейди Аҳмад Набиев. — 18 йил чет элда яшаб ҳам кўниколмадим. У ердаги бадастир шарт-шароит ўзимизнинг қишлоқ тафтини беролмади. Мард ва меҳнаткаш одамларимиз билан ҳамнафас яшаш завқи бошқача. Ниятим, хусусий клиника очиб, у ерда қишлоғимиз шифокорлари билан баҳамжиҳат ишламоқчиман. Ёш шифокорлар билан ўз тажрибаларимни ўртоқлашмоқчиман. Шу тариқа, эл-юртга озми-кўпми нафим тегса дейман...

Бу фикрларда она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат зоҳир. Энг муҳими, бундай мулоҳаза юритиш истиқлол туфайли юракларда ниш урмоқда. Зотан, мустақиллик боис биз озод юртда яшаш ва ишлаш бахтига, меҳнатимизнинг роҳати ҳам ўзимизга тегишли эканлигини англаб етдик. Демак, юртдошларимизнинг бундай покиза туйғулари, мусаффо орзу умидлари ҳам ана шу фазилатлар янглиғ мангуликка дахлдор. Бундай дахлдорлик туйғуси авлоддан авлодга ўтиб, озод ва обод Ватан номи, Юрт шаъни, Миллат манфаатини юксакларга кўтаражак!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

---

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

**Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси**

***қуйидаги объектлар бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:***

**Лот 7-1.** Музработ тумани «К-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 131,318 млн.сўм, муддати — 120 кун.
**Лот 7-2.** Музработ тумани «К-5а зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 118,963 млн. сўм, муддати — 135 кун.
**Лот 7-3.** Музработ тумани «ВСК-14 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1 ва 2-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 83,762 млн. сўм, муддати — 90 кун.
**Лот 7-4.** Қизириқ тумани «К-3 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 44,565 млн. сўм, муддати — 60 кун.
**Лот 7-5.** Қизириқ тумани «К-4 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 54,487 млн. сўм, муддати — 105 кун.
**Лот 7-6.** Қизириқ тумани «К-5 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 55,710 млн. сўм, муддати — 150 кун.
**Лот 7-7.** Қизириқ тумани «К-6 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1 ва 2-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 55,750 млн. сўм, муддати — 105 кун.
**Лот 7-8.** Қизириқ тумани «К-7 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 42,948 млн. сўм, муддати — 75 кун.
**Лот 7-9.** Қизириқ тумани «К-8 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 39,352 млн. сўм, муддати — 75 кун.
**Лот 7-10.** Ангор тумани «Ангор зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 262,412 млн. сўм, муддати — 255 кун.
**Лот 7-11.** Жарқўрғон тумани «М.Роҳат-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1 ва 2-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 87,333 млн. сўм, муддати — 150 кун.
**Лот 7-12.** Шўрчи тумани «Қоратепа зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 79,670 млн. сўм, муддати — 105 кун.
**Лот 7-13.** Шўрчи тумани «Жиндибулоқ зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 98,197 млн. сўм, муддати — 150 кун.
**Лот 7-14.** Денов тумани, «Элбаянсой зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2, 3 ва 4-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 278,681 млн. сўм, муддати — 315 кун.
**Лот 7-15.** Музработ ва Шеробод туманлари «К-2 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2, 3 ва 4-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нарҳи — 189,974 млн. сўм, муддати — 270 кун.
**Лот 7-16.** Денов тумани «Қорасув зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 2 ва 3-босқич ишларини амалга ошириш. Бошланғич нархи — 74,865 млн. сўм, муддати — 150 кун.

**Буюртмачи** — Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

**Манзил:** Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (8-376) 222-86-38, 223-65-51, факс: 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварxитектқурилиш» қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.**

**Телефон: (8-376) 222-44-73, факс: 222-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри; А.Темур кўчаси, 69-уй.**

1665R/175

---

*Бугун "Космик фаолият" дейилганида фақат космодром ва космик кемалар парвози билан боғлиқ жараёнларгина тушунилмайди, балки Ер йўлдошлари орқали ўрнатилган алоқа манбаида ахборот алмашиш, коммуникация, телевидение, интернет соҳаларида юзага келган глобал имкониятлар бу тушунчанинг мазмунини ниҳоятда кенгайтириб юборди.*

# КОСМИК ТЕХНИКА МУТАХАССИСЛАРИ

## Ўзбекистонда ҳам камол топади

Бунинг устига, коинотдан туриб Ер шари ва унинг муаммоларини ўрганиш, тадқиқ этиш асосида тўпланадиган бой ва ранг-баранг маълумотлар Ердаги ҳаёт, экология ва иқтисодий ривожланиш манфаатлари нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Космик фаолият ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ривожлана бошлади. Пировардида, бу соҳа учун мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш миллий олий таълимнинг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олмоқда. Худди шу маънода, Тошкент давлат техника университети (ТошДТУ)да халқаро ТЕМПУС дастури доирасида космик техника мутахассисларини тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

**▼ Тадбир**

Яқинда ТошДТУда худди шу масалага бағишланган "Космик техника соҳасида янги ўқув дастури" лойиҳасининг тақдимот маросими бўлди. ТЕМПУС дастури томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳани еттита ташкилот биргаликда рўёбга чиқармоқда. Тошкент давлат техника университети, Берлин Техника университети ва Бельгиянинг Де Найер институти лойиҳанинг асосий иштирокчилари ва ижрочиларидир. Айни пайтда, лойиҳа ижросида уларга республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда ЎзР Фанлар академияси Космик амалий технологиялари бўлими ҳамкорлик қилмоқда. Икки йиллик муддатга мўлжалланган мазкур лойиҳа бўйича иш 2008 йилнинг январь ойида бошланди ва бу фаолият 2009 йилнинг декабрь ойигача давом этади.

Тақдимотда ТошДТУ ректори Ш. Шообидов, лойиҳанинг Европа томонидан мувофиқлаштирувчиси А. Штеренхарц, Де Найер институти вакили П. Аррас, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили В. Мазницин, лойиҳанинг маҳаллий мувофиқлаштирувчиси З. Шамсиев ва бошқалар ўтган муддат давомида лойиҳа бўйича қилинган ишлар, янги ўқув дастурининг аҳамияти ҳамда келгуси вазифаларни атрофлича таҳлил этдилар. Халқаро ТЕМПУС дастури Миллий офиси вакили М. Камолова дастур фаолиятидаги янгиликлар тўғрисида ахборот берди.

— Мамлакатимизда космик техника бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилганлиги қувонарли ҳолдир, — деди биз билан суҳбатда анжуман қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси Геология давлат қўмитаси вакили В. Гатауллин. – Республикамизда геология, сейсмология, картография, транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология, қурилиш ва бошқа соҳаларда космик техника мутахассисларига эҳтиёж катта. Бундай кадрларни тайёрлаш учун эса таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз лозим. Сабаби, ривожланган давлатларда космик техника саноати ва бу йўналишдаги таълим ниҳоятда тараққий этган. Ёшларимиз ана шу тажриба ва ютуқларни чуқур ўзлаштирсалар, соҳанинг етук малакали мутахассислари бўлиб етишсалар, биздаги иқтисодий, маънавий ва интеллектуал ҳаёт шу қадар ривожланади.

Тақдимот ниҳоясида университетнинг Авиация факультетида лойиҳа доирасида ташкил этилган ихтисослашган ўқув лабораториясининг очилиш маросими бўлди.

**М. САФАРОВ.**

---

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# Ёшлар ўсмирлардан ўзадими?

***Бугун Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар (U 19) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бошланади. Унда саралаш учрашувларидан муваффақиятли ўтган 16 та терма жамоа медаллар учун кураш олиб боради.***



Ушбу мусобақада ярим финалгача етиб келган жамоалар жаҳон чемпионатига боришини ҳисобга олсак, олдиндаги баҳслар кескин ва муросасиз курашлар остида ўтишини тахмин қилиш мумкин.

Шу боис Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси турнирга пухта ҳозирлик кўрди. Бир неча бор ташкиллаштирилган ўқув-йиғин машғулотларида мураббийлар ишончи ва эътиборини қозонган қуйидаги футболчилар Саудия Арабистони майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди: **Дарвозабонлар:** Дониёр Усмонов («Нефтчи» Фарғона), Илҳом Жуманов («Кимёгар» Чирчиқ), Сухроб Султонов (ОТМК Олмалиқ). **Ҳимоячилар:** Мурод Холмуҳамедов, Акмал Холмуродов, Ғулом Ўрунов («Пахтакор» Тошкент), Зоҳид Раупов (ОТМК Олмалиқ), Дилёрбек Эрматов, Ислом Тўхтахўжаев («Нефтчи» Фарғона), Шерзод Аъзамов («Машъал» Муборак), Сарвар Отабоев («Учқудуқ» Навоий). **Ярим ҳимоячилар:** Фозил Мусаев, Суннат Мамадалиев, («Насаф» Қарши), Ойбек Қиличев («Пахтакор» Тошкент), Жасур Ҳасанов («Бухоро»), Зоҳир Пиримов, Достон Абдураҳмонов (ОТМК Олмалиқ), Шерзодбек Каримов («Қизилқум»). **Ҳужумчилар:** Санъат Шихов, Алишер Азизов («Пахтакор» Тошкент), Иван Нагаев, Кенжа Тўраев («Насаф» Қарши), Даврон Мирзаев («Рубин» Россия).

Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси **«D» гуруҳи**дан жой олган бўлиб, Иордания, Австралия ва Таиланд ёшларига қарши чорак финал йўлланмаси учун кураш олиб боради.

**Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўриниш олган:**

**«А» гуруҳи:** Япония, Саудия Арабистони, Эрон, Яман
**«В» гуруҳи:** Жанубий Корея, Ироқ, БАА, Сурия
**«С» гуруҳи**: КХДР, Хитой, Тожикистон, Ливан

**Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг учрашувлари:**

1 ноябрь. Соат 18:15. Иордания — Ўзбекистон
3 ноябрь. Соат 18:15. Ўзбекистон — Австралия
5 ноябрь. Соат 20:45. Таиланд — Ўзбекистон

## Равшан Эрматов жаҳон чемпионатига номзод

***Халқаро футбол федерацияси — ФИФА 2010 йил Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариши мумкин бўлган 38 нафар ҳакамнинг тахминий рўйхатини эълон қилди.***

Аҳамиятлиси, ушбу рўйхатдан ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳам жой олган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жаҳон чемпионати финалигача ҳакамлар рўйхати деярли икки баравар қисқаради.

Умуман, Осиё қитъасидан мундиалга бориш учун Халил Иброҳим Ал-Гамди (Саудия Арабистони), Мэттью Бриз (Австралия), Равшан Эрматов (Ўзбекистон), Субҳиддин Моҳд Солиҳ (Малайзия), Юичи Нишимура (Япония) сингари жами 5 нафар рефери даъвогарлик қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ҳакамларнинг якуний рўйхати жаҳон чемпионати бошланишига 3 ой муддат қолганида эълон қилинади.



**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

---

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**2008 йил кундузги бўлим аспирантура ва докторантурага кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**қабул эълон қилади:**

**АСПИРАНТУРА**

**07.00.09.** Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари — 4 ўрин.
**08.00.11.** Хорижий мамлакатлар иқтисоди — 3 ўрин.
**10.01.06.** Осиё ва Африка халқлари адабиёти — 2 ўрин.
**10.02.22.** Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия аборигенлари туб халқлари тиллари — 4 ўрин.
**23.00.04.** Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари — 3 ўрин.

**ДОКТОРАНТУРА**

**10.02.22.** Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия аборигенлари туб халқлари тиллари — 1 ўрин.

**Ҳужжатлар 10 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй, 2-қават, 210-хона.**

1664R/1726

---

*Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят кутубхонаси негизида ташкил этилган ахборот-кутубхона маркази ташриф буюрувчилар билан ҳамиша гавжум.*

# Ахборот-кутубхона маркази гавжум

**Яхши хабар**

Компьютернинг махсус каталог фондига киритилган 12 мингдан зиёд китоб ҳамда вақтли нашриёт манбалари китобхонлар ихтиёрида.

Президентимизнинг "Республика аҳолисининг ахборот-кутубхона таъминотини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг марказнинг моддий-техник таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Айни пайтда кутубхонадаги 30 та замонавий компьютердан китобхонлар ҳам, марказ ходимлари ҳам бирдай фойдаланишлари мумкин. Чунки бу компьютер технологиялари, электрон ресурслар, ахборот ташиш воситалари Марказ фондларидан ташқари, хорижий кутубхона манбалари, Интернет, Ziyo NET тармоқларига ҳам уланган. Шунингдек, мижозлар "Ҳуқуқ", "Норма" ахборот-тармоқларидан ҳам фойдаланишлари учун қулай имкониятлар мавжуд.

Яқиндан бошлаб марказ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган "Фарғона вилояти меросдари" электрон нашр ҳам фаолият кўрсата бошлади.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**2009 йил учун аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**Архитектура йўналиши бўйича**

**18.00.01** — Архитектура назарияси ва тарихи, ёдгорликларни таъмирлаш — 1 та ўрин.
**18.00.02** — Бино ва иншоотлар архитектураси — 1 та ўрин.
**18.00.04** — Шаҳарсозлик, режалаштириш, ландшафт архитектураси ва қишлоқ турар жойларини режалаштириш — 1 та ўрин.

**Техника йўналиши бўйича**

**05.23.01** — Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар — 1 та ўрин.
**05.23.05** — Қурилиш материаллари ва буюмлари — 1 та ўрин.

**Физика-математика йўналиши бўйича**

**01.02.05** — Суюқлик, газ ва плазма механикаси — 1 та ўрин.
**01.02.07** — Сочилувчан жисмлар, тупроқ ва тоғ жинслари механикаси — 1 та ўрин.

***Ҳужжатлар 2008 йил 5 ноябргача қабул қилинади.***
***Кириш имтиҳонлари 2008 йил 10 ноябрдан 14 ноябргача ўтказилади.***
***Кириш имтиҳонлари танлаган мутахассислик фани, фалсафа, информатика ва чет тилидан топширилади.***

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, илмий бўлим, 217-хона.**
**Телефонлар: 241-11-73, 241-80-02.**

1666R/1717

---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" маркази жамоаси метрология, илмий-тадқиқот ишлари ва стандарт намуналар бошқармасининг бошлиғи Ринат Амирович Гуляевга отаси

**Амир Мурзагельдеевич ГУЛЯЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси ва маъмурияти институтнинг етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Ҳамроқул Облақуловга онаси

**РОБИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 23.25 7